

**ЭКСПЕРТ КРИМИНАЛИСТИКА ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА ПУЛЛИК  
ХИЗМАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

**Умарова Дилбархон Қахрамонжон кизи**

Андижон вилояти Ички Ишлар Бошқармаси Эксперт-криминалистика  
маркази, катта эксперти, лейтенант

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-122-сон қарорига асосан юртимиздаги эксперт-криминалистика марказлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида экспертлик, биометрик идентификация, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини ҳамда соҳага оид бошқа пуллик хизматларни кўрсатиш тартибини белгилаш юзасидан амалий ҳаракатлар ҳақида батафсил баён этилган.

**Калит сўзлар:** пуллик хизматлар, ихтисослашган мутахассис, буюртмачи, махсус химоя элементлари, дастхат ва имзоларни муаллифга тегишлилиги.

**ПРИНЦИПЫ И ПОРЯДОК ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПЛАТНЫХ  
УСЛУГ В ОБЛАСТИ ЭКСПЕРТНОЙ КРИМИНАЛЬНОЙ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**Аннотация:** В данной статье на основании постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию экспертно-криминологической деятельности органов внутренних дел с широким внедрением современных научных достижений» ПҚ-122 от 8 февраля 2022 года, физических и подробно разъясняется о практических действиях по оказанию экспертизы, биометрической идентификации, научно-исследовательских и информационных услуг, а также иных платных услуг, связанных с данной сферой, юридическим лицам на основании договора.

**Ключевые слова:** платные услуги, специализированный специалист, заказчик, элементы специальной защиты, авторство подписей и подписей.

**PRINCIPLES AND PROCEDURE FOR IMPLEMENTATION OF PAID  
SERVICES IN THE FIELD OF EXPERT CRIMINAL ACTIVITY**

**Annotation:** In this article, based on the decision of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve the expert-criminology activity of internal affairs bodies with the wide introduction of modern scientific achievements" PQ-122 of February 8, 2022, physical and it is explained in detail about the practical actions regarding the provision of expertise, biometric identification, scientific research and information services, as well as other paid services related to the field, to legal entities based on the contract.

**Keywords:** paid services, specialized specialist, customer, special protection elements, authorship of signatures and signatures

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш инсон ҳуқуқ эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бугунги кунда дунё миқёсида глобаллашув жараёни кенг кулоч ёйганлиги яққол намоён бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида жамият ҳаётида жинойатчиликнинг янада кўпайишига ва янгича аҳамият касб этишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-122-сон қарорига асосан юртимиздаги эксперт-криминалистика марказлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида экспертлик, биометрик идентификация, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини ҳамда соҳага оид бошқа пуллик хизматларни кўрсатиш тартибини белгилаш юзасидан амалий ҳаракатлар олиб борилиб, ушбу соҳага оид идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ҳамда ҳозирги кунда ушбу амалиёт юзасидан соҳада қизғин ишлар олиб борилмоқда.

Эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида пуллик хизматлар кўрсатиш тартиби ва механизмларида кўрсатиб ўтилишича, пуллик хизматларни кўрсатиш бўйича жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаат, буюртма асосида эксперт-криминалистика марказлари томонидан шартнома асосида ҳужжатлар, материаллар ҳамда техник воситаларни криминалистик ва махсус билимларни қўллаган ҳолда ҳуқуқий исботлаш мақомига эга экспертлик тадқиқотларини ўтказиш ва илмий асосланган

малумотларни бериш тартиби белгиланди. Ушбу фаолиятни олиб боришда, ижрочи сифатида, пуллик хизматлар тақдим қилувчи эксперт-криминалистика марказлари ихтисослашган мутахассис-экспертлик, биометрик идентификация, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматлари ҳамда соҳага оид бошқа пуллик хизматларни кўрсатиш учун зарурий малакага эга бўлган, эксперт-криминалистика марказлари ходимлари ҳамда шартнома асосида жалб этилган махсус илмий-техник ва интеллектуал салоҳиятга эга шахслар томонидан пуллик хизматлар бажарилади.

Пуллик хизматлари кўрсатиш тартиби, буюртмачи томонидан тегишли эксперт-криминалистика марказига илтимоснома шаклида мурожаат этишдан бошланиб, ушбу мурожаат юзасидан эксперт-криминалистика маркази раҳбарияти пуллик хизматларни кўрсатиш бўйича буюртмани қабул қилишда, буюртмачи ёки унинг қонуний вакили иштирокида материал ва ҳужжатларни тўлиқлигини кўриб чиқиб, ижро этиш имкониятларини ўрганиб, хизматга хос бўлган хусусиятларни инобатга олган ҳолда қабул қилади. Қабул қилинган мурожаат юзасидан унинг ижросини таъминлашга йўналтирилиб, шу куннинг ўзида эксперт-криминалистика маркази ва буюртмачи ўртасида шартнома шакллантирилиб, ҳал қилиш масалалари ёритилади. Хизмат кўрсатиш шартномаси қийматларини белгилаш пуллик хизмат кўрсатишга оид ишлаб чиқилган идоравий норматив ҳужжатларга асосан белгиланади. Бунда асосан пуллик хизматларнинг қиймати ишнинг мураккаблик ҳолати, яъни оддий, ўртача, мураккаб каби шаклларда, базавий ҳисоблаш миқдorigа асосланиб белгиланади.

Эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида ўтказиладиган қуйидаги пуллик хизматлар кўрсатиб ўтилган:

- Махсус ҳимоя элементлари мавжуд бўлган пул бирликлари, ҳужжатлар, қимматбаҳо қоғозлар ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларда қалбакилаштириш белгиларини аниқлаш усуллари бўйича ўқув машғулотлари ташкил этиш;
- Иш юритув ҳужжатлари ҳамда муҳр ва штампларни қалбакилаштириш аломатларини аниқлаш ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этиш;
- Махсус ҳимоя элементлари мавжуд пул бирликлари, қимматбаҳо қоғозлар ва ҳужжатларни аниқлашга мўлжалланган техник воситаларни самарали қўллаш бўйича ўқитиш, уларни техник имкониятлари бўйича хулоса, тавсия ва техник ҳужжатлар бериш юзасидан ўқув машғулотлари ташкил этиш;

Хужжатлар, муҳр ва штампларни махсус химоя элементларини таҳлили ва уларни химояланганлик даражасини баҳолаш тадқиқотини ўтказиш;

- Дастхат ва имзоларни муаллифга тегишлилиги буйича хатшунослик тадқиқотларини ўтказиш;

- Суд компьютер- техникавий экспертизаси тадқиқотлари, жумладан, рақамли ахборот ташувчи қурилмалардаги мавжуд, муқаддам ўчирилган, зарарланган ва шифрланган маълумотларни чиқариб олиш, таҳлил қилиш ва ҳисобот тайёрлаш;

- Пиротехник буюмларнинг хавфли омиллари ва хавфсиз ишга тушириш радиуслари буйича техник тавсиялар бериш, каби йигирмадан ортиқ хизматлар келтириб ўтилган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Т.Б.Маматяқбов, А.К.Зақурлаев, Л.Ю.Югай ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунига шарҳ. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Академияси, 2017-176.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5-апрелдаги 5-сон “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги наъмунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-122-сон қарори.

4. Д.Б.Базарова, А.А.Мирзаев, Г.З.Тўлаганова, С.И.Латипов, Б.Х.Ҳамидов ва бошқалар. Криминалистика дарслик.Т.: Тошкент, 2018.

5. Р.А.Алимова. Жиноятларни тергов қилиш услубёти. Ўқув қўлланма.Т.:ТДЙИ, 2006.